

Наерўзга

6
кун қолди

Хабардормисиз?

ХАЙДОВЧИЛИК
ГУВОҲНОМА-
СИНИ ОЛИШ
ТАРТИБИ
ЎЗГАРДИ

ГЕНДЕР
ТЕНГЛИГИ
ТАЪМИН-
ЛАНАДИ

АШХОБОДГА
ҲАМ
АВТОБУСДА
БОРИШ
МУМКИН

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 10 (646)
2019 йил
15 март,
жума

Ижтимоий-сиёсат

газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлага

www.jamiyatgt.uz



jamiyat@umail.uz




МИРЗО УЛУҒБЕК
МАДРАСАСИНING ВОРИСИ



Эҳсон.
Зиёрат.
Тиланчи

ОНГСИЗ ОЛАМНИНГ ОММАВИЙ ТАҲДИДИ



ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҒИ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Навоий вилоятида бўлди.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш тартиби ўзгарди

Хукумат қарори билан миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги қонунчиликка қўшимча киритилди.

Унга кўра, гувоҳномаларни алмаштиришда ҳайдовчининг имтиҳон варақаси, миллий гувоҳномани берган ИХХБ тасдиқномаси, тиббий маълумотнома, транспорт воситасини 12 ой бошқарганини тасдиқловчи ҳужжат-

ни талаб қилиш тақиқланади. Ҳайдовчилар 2020 йил 31 декабртача миллий ҳайдовчилик гувоҳномани янгисига алмаштириш учун паспорт ва эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда унинг талонини тақдим этса бас.

Кредит марказ хулосаси билан берилади

Эндиликда мамлакатимизда мақсадли дастурлар асосида аҳолига имтиёзли кредитлар Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари хулосаси асосида берилади.

«Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига асосан «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида имтиёзли кредитлар аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8

фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.



Шаҳрисабзда 2 та филиал


Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари иш бошлайди.

Хусусан, 2019/2020 ўқув йилидан Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қаршидаги филиали, Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабздаги филиаллари талабалар ўқитилади.

Гендер тенглиги таъминланади

Хотин-қизлар кўмитаси кўмагида Ўзбекистонда аёлларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилувчи комиссия тузилади.

Мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш, аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид муножаатларини кўриб чиқиш, шунингдек, аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш, ҳуқуқий маданиятни ошириш комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгиланди.



Рўйхат бекор қилинади

Жорий йилнинг 1 майдан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинади.

Бу ҳақда Президентимизнинг хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорида маълум қилинди. Ҳужжатда айтилишича, Меҳнат кодексининг 225-моддасида меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек, ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўллаш тақиқланади. Ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустасно.

Ихтиёрий эко маркировка

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларнинг ихтиёрий экологик маркировка қилиш тизимини яратиш тўғрисида»ги ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилди.

Ҳужжат асосида Ўзбекистонда товарларнинг ихтиёрий экологик маркировка қилиш тизими яратилади. Ишлаб чиқаришда атроф-муҳит, аҳоли саломатлиги ва биологик ресурсларга энг кам зарарли таъсир кўрсатадиган маҳсулотлар ихтиёрий экологик маркировка қилиш учун объект бўлиб ҳисобланади. Дори воситалари, ветеринария препаратлари, тиббий асбоблар, давлат меъ-



ёрлари ва стандартларига мувофиқ заҳарли, мутаген, канцероген, атроф-муҳит учун хавфли деб таснифланган моддалар, препаратлар ва аралашмалар мавжуд бўлган маҳсулотлар ихтиёрий экологик маркировкашдан ўтказилмайди.



Биринчи мингталик учун синов йўқ!

Ўзбекистонда ҳужжатлари тўғридан-тўғри нострификация қилинадиган хорижий олий таълим муассасалари рўйхати тасдиқланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан халқаро тан олинган таълим муассасалари рейтингда биринчи 1000 та ўринни эгаллаган ОТМ битирувчиларининг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) амалга оширилади.



Авиация мутахассислари ўзимизда тайёрланади

Ўзбекистонда миллий олий таълим муассасаларида авиация соҳасида мутахассисларни тайёрлаш қайта тикланади.

Шунингдек, «Транспорт логистикаси» йўналиши бўйича юқори малакали мутахассислар ва бошқарув кадрлари тайёрлашни ташкил этишнинг самардорлиги оширилади.



Ашхободга ҳам автобусда бориш мумкин

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилиши мумкин.

Транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлик масалалари бўйича хорижий давлатлар билан музокаралар ўтказишга оид тадбирлар режасига асосан,

Туркменистон билан миллий ташувчилар ҳайдовчилари учун кўп маргалик визалар олиш жараёнини соддалаштириш бўйича музокаралар ўтказилади.

Озор берманг!

Юртимизда ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан таёрланган қонун лойиҳасида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиш, уларнинг ўлими ёки майиб бўлиб қолишига олиб келган ҳолатлар энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 15 баробаригача жарима қўллаш учун асос бўлиши тақлиф этилмоқда. Маъмурий жазо қўлланилгандан кейинги бир йил ичида содир этилган айни шу ҳуқуқбузарликлар ёки мазкур модданинг биринчи қисмида қўзда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этишга боягача жазоланган

жалб этиш ЭКИХнинг 15 баробаридан 30 баробаригача жарима қўллаш ёки 15 суткага маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.




Мамлакатимизга Хитой Халқ Республикасидан 100 та замонавий автобус олиб келинди.



ОНГСИЗ ОЛАМНИНГ ОММАВИЙ ТАҲДИДИ

ёхуд Шайтонни доим ҳам айбламанг!

Халқимизда кўп доно фикрларни ўзида жам этган иборалар, ўхшатишлар бор. Масалан, икки гапининг бирида ёлгон ишлатмаса, туролмайдиган кишиларни қонида шайтон бор-да, дейишади. Бунга юзига айтсангиз, унчалик хафа бўлмайдиганлар ҳам топилади. Аслида, унинг замирида ачиқ танбеҳ ётибди.



Тийиксизликдан тийилиш керак

Биласиз, шайтон измига юрган одамдан яхшилик кутиб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, кўп ҳолларда адашган кимсалар шайтон йўлдан урди, дея надомат чекади. Аммо бундай дейиш ҳар доим ҳам тўғримикин?

Негаки, Аллоҳ инсонни азиз қилиб яратди ва унга бошқа жонотлардан фарқли ўлароқ онгу тафаккур ҳам ато этди. Фикрлаш қобилияти токи қотиб қолмаган экан, инсон мудом ўзлигини англаб, ноҳўя хатти-ҳаракатлардан сақланиши айти мудоадири. Айниқса, бугун жуда кўп нарсалар ўзни олиб қочиш, бошқача қилиб айтганда, тийиксизликдан тийилишга ўрганишимиз керак.

Гап шундаки, XXI аср — ахборот асрида яшаймиз. Ер юзининг олис бир бурчагида бўлган ёрғон воқеа-ҳодиса орадан санокли фурсат ўтиб-ўтмай, бошқа нуқтада яшовчи аҳолига маълум бўлади. Масалан, бугун эрта-лаб Австралиядagi ҳайвонот боғидан арслон қочиб кетган бўлса, бу ҳақда кўп ўтмай, Қизилқум ёхуд Ёзёвон туманида яшовчи ёш болалар сўрасангиз ҳам, батафсил айтиб беради. Табиий ҳолат: чунки у параболлик антенна ўрнатилган телевизор кўряпти, минг бир тўлқинли радио тинглапти, кундалик газеталарни ўқияпти, интернетдан фойдаланапти. Бу ахборот технологияларининг жадвал тараққиёти этиб бораётганидан даракдир.

Албатта, бунинг ижобий томонлари бор. Шу билан бирга техника асрининг салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Негатив, дея савол беришга шошилмайлик-да, мушоҳада юритайлик...

Ҳаммаси кафтдай намоён

Биз болажон халқмиз. Эзгу орзу умидларимиз рўйбери уларнинг тими-солида кўришни ният қиламиз. Фарзанд эса тез ўлгайди. Кечагина ўғли-ғизни етаклаб, мактабнинг биринчи синфига олиб борган бўлсангиз, бугун у компьютер талаб қилмоқда. Ажабланиш уят, негаки, болангиз интернетда ишлашни, ўзига керакли ахборотларни топишни ўрганди. Энди фарзандингизнинг раббинин қайтаролмайсиз. Болам техникани тушунадиган бўлибди, бундан буён ком-

пьютер орқали ҳам яхшигина савод чиқариши, тил ўрганиши мумкин, дея кўча-кўйда эшитган гапларингизга ишониб, ўзингизча қувонасиз ва унинг айтганини бажарасиз. Бундай эзгу ният яхши, бироқ интернет шундай турки, унинг домига нафақат болалар, балки ёши катталар ҳам илиниб қолиши мумкин. Бу «олам»га «ташриф буюрганда», игволар, бўҳтонлар, шахсиятга тегишлар, инсон эътиқолига таъвоузлар, беҳаёликни тарғиб этган суратларга кўзингиз тушади.

Интернет — бутун олам кафтдек намоён, деганидир. Инсон кафтидаги асосий учта чизикқа қараб, ўзича уларнинг нималарни белгилашини «башорат» қиладиганлар ҳам бор. Бироқ интернетнинг «кафти»да шунчалик «чизиклар» (яъни, сайтлар) кўпки, улар ўсимларни қизиқтириб, доимий «мижоз»га айлантириб қўйишини ҳамма билади.

Ким айбдор: ота-онами ёки фарзанд?

Синфдошларимизникига борсам, кўпчилигининг уйда компьютери бор экан, — дейди ўзини 8-синф ўқувчиси Аваз Самандаров деб таништирган бола. — Бу ҳақда ота-онамга айтганимда дарс тайёрлашим учун менга ҳам олиб беришди. Интернетга ҳам улаб беришди. Тўғриси, шундан кейин дарсга ҳам қизиқмай қўйдим. Интернет мени ўзига боғлаб қўйди. Бир кун мактабга боргандек бўлиб, кўчага чиқдим ота-онамнинг ишга кетишини пойладим. Уларнинг кетганига ишонч ҳосил қилгач, уйга кириб, сабрсизлик билан компьютерни ёқдим. Кинога қизиқман, айниқса, Жан Клод Ван Дамм иштирок этган кинолар жону дилим. Уша кун унинг янги киносини топиш учун «Google» хизматига Ван Дамм деб ёздим. Орадан беш-олти сония ўтар-ўтмас, сеvimли актёрим ва унинг ёнида бир аёлнинг расми ҳам очилди. Қизиқиш устун келиб, расми катталаштирдим. Шунда сурат тагида аёлнинг бошқа расмларини кўрмоқчи бўлсангиз, ушбу сайтга кириш, дея бошқа манзил кўрсатилган ёзув чиқди. Унгаям кирдим. Бир зумда бояги аёлнинг ўнлаб расми чиқди. Ҳаммаси ярим-яланғоч. Сайтда бунга ўхшаган расмлар кўп экан. Ота-онам келиб қолишдан чўчиб, расмларни алоҳида-алоҳида файлга жойлаштирдим-да, кўчага чиқиб кетдим. Тўшдан кейин келсам, ота-онам компьютернинг ёнида туришибди. Ҳаммаси тушунарли эди: улар расмларни кўриб қолишган. Яши-

ришга ҳожат йўқ эди, шу боис қандай топганимни айтдим. Шундан кейин улар менга қаттиқ танбеҳ беришди ва интернетни узиб қўйишди. Кўчадаги интернет кафелардан фойдаланиш учун эса пул керак...

Бу юзлаб, минглаб мактаб ўқувчиси-дан биргинасининг аҳволи холос. Эътибор беринг: Авазнинг ноҳўя хатти-ҳаракати уни интернетдан маҳрум қилган экан, боланинг ота-онасига раҳмат. Лекин бола бу жазодан тўғри ҳулоса чиқармаяпти. У энди интернет-кафе-лардан фойдаланишни мўлжаллаяпти. Авазнинг ҳозирча пули бўлмаса, унга ўхшаган минглаб тенгдоши ҳам пулсиз эмасдир. Бу масаланинг биринчи жиҳати.

Яна бир хавотирли томони шуки, фарзандининг интернетда нималар қилаётганини назорат қилиш у ёқда турсин, аксинча, Фалончию Пистончиларнинг электрон манзилини топиб бер ёки қайсидир корхонанинг иш фаолиятини ўрган, деб боласига кўрсатма берадиганлар бор. Қидирув жараёнида минг бир расмлар очилиб ёпилиши, турфа манзиллар акс эттиши табиий ҳолат. Уларга болалар қизиқмайди, деб ўйлайсизми?! Хўш, бу ҳолатда кимни айблайсиз: ота-онами ёки болани?

Бинобарин, «Танишув» ёки «Қидирув» сайтлари бугун шу қадар омалашганки, интернет олами билан эндигина танишаётган одам ҳам: «Кел, шуларга бир кириб кўрай» дейиши ҳеч гап эмас. Шундай сайтлар борки, уларда порнография, ахлоқсизлик, фахш ва зўравонлик тарғиб қилинса, яна баъзи бир сайтларда тайинсиз секталар, ўзини аллақандай диний ташкилотлар вакиллари деб номлаётганларнинг чиқишлари жойлаштирилмоқда. Муқаддас ислом динимизнинг асли мазмун-моҳиятига путур етказётган сайт ихтирочиларининг алаҳсирашлари эса, таассуфлар бўлсинки, айрим юртдошларимизни чалғитиб қўймоқда. Натижада ана шундай «даъват»лардан фойдаланаётганлар, уларни тарғиб этаётган калтабинлар ҳам йўқ эмас...

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: асрлар давомида юриш-туришимиз, урф-одатларимиз, улумларимиз, маросим-маъракаларимизнинг ажралмас қисмига айланган диний эътиқодимизга путур етказмоқчи бўлганларнинг қилмиши терроризм балоси каби муҳлиш оқибатларни келтириб чиқармаслигига ким кафолат бера олади? Эҳтиёт бўлмасак, интернетдан фойдаланишда огоҳлик шийоримизга айланмаса, бундай хатти-ҳаракатлар ҳали маънавий дунёқароши тўлиқ шаклланиб улгурмаган

фарзандларимиз келажагига соя солиши ҳеч гапмас.

«Музлаш» ҳеч гап эмас!

Бу интернетнинг ғоявий таҳдидига дахлдор мулоҳазалар. Ваҳолонки, ундан фойдаланувчилар учун бошқа хавф-хатарлар ҳам бор. Яъни, интернетда ишлаш юзаси фикрлашга олиб келар экан. Бу бир гуруҳ руҳшунос-ларнинг ҳулосаси. Улар одамлардаги фикрлаш сифатининг пасайиши ва интернетда ишлаш ўртасидаги қонуний боғлиқликни аниқлашди. «Сайтларни тезкор ва мунтазам равишда кўриб чиқиш кўникмаси шунга олиб келадики, инсон миёси тизимли ва чуқур фикрлаш қобилиятини йўқота бошлайди», дейди тадқиқотчилар гуруҳининг раҳбари, кибернетик ахборот соҳасидаги етакчи мутахассис Николас Карр.

Киши интернетда ишлаганда миянинг қисқа муддатли хотира ва тезкор қарорлар қабул қилиш учун жавобгар бўлган қисмига доимий равишда ишга тушар экан. Бунинг натижасида муаммоларни батафсил ва чуқур, шу жумладан, фундаментал тарзда таҳлил қилувчи зоналардан фарқли ўлароқ, фақат шу зоналар машқ қилиб, ривожланади. Қолганлари эса, жонлантирувчи асаб импульсларини олмасдан, деярли «музлаб» қолади ва инсон чуқур фикрлаш қобилиятини йўқота бошлайди.

Демак, интернетдан фойдаланишда иммунитетни ошириш лозим. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида болалик пайтидан бошлаб шакллантирилган соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш талаб этилмоқда.

Бугундан сўнг...

...Биз эзгу ниятли халқмиз. Яхши тил-лақлар билан кўчатлар ўтқазамиз, ниҳол қадаймиз. Уларнинг ўниб-ўсишини, мевалар беришини ва ундан барчанинг баҳраманд бўлишини хоҳаймиз. Бобон боғидаги дов-даракларни бўтайди: ортиқча шохларни кесиб ташлайди. Натижада даракт янада бўй чўзади, кўпроқ мева солади. Инсон ҳам ҳаминша ўз ботинидаги ёвуз майларни худди шундай «бутаб бориши» лозим. Бу парваришни ниҳолларимиз — фарзандларимизга ҳам ўргатиб бораёқ, келажаги буюк мамлакатимизнинг муносиб ўғил-қизларини тарбиялаган бўлардик...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабарига кўра, Ўзбекистонда менингит аҳоли ўртасида кенг тарқалмаган, эпидемик вазият барқарор. Ушбу хасталикнинг эрта баҳор мавсумида учраб туриши табиий жараён саналади.

«COLORS MIX SHINE»

ойлавий корхонаси

*Ўзбекистон халқини янги ланиш
ва яшариш тантанаси — Наврўзи
олам билан самимий
муборакбод этади!*

*Мана шундай фараҳбахш кунларда
энг эзгу тилакларингиз
ижобат бўлсин.
Байрам қувончи ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин,
азизлар!*



«MOVIY OMAD FAYZ»

компанияси

*барча юртдошларимизни баҳор байрами —
Наврўзи олам билан қутлайди!*

*2012 йилда ташкал этилган корхонада
«MOVIY» бренди остида 20 турдан ортиқ қурилиш
материаллари ишлаб чиқарилмоқда.*

*Шунингдек, малакали мутахассислар томонидан
буюртма асосида 220 дан зиёд қурилиш-монтаж
ишлари бажарилади. Ўтган 6 йил давомида
амалга оширилган юзлаб лойиҳалар
халқимиз ишончини оқлаб,
мижозлар сонининг ортишига хизмат қилди.*

*2018 йилда 165 тоннадан ортиқ
маҳсулот ишлаб чиқарилган;
Марказий Осиё ва МДХ мамлакатларига 605 миллион
сўмлик маҳсулот экспорт қилинган.*

Манзил: Фарғона вилояти Бувайда тумани

Деҳқонобод МФЙ Тadbиркорлар кўчаси 56-уй.

Ниятимиз мижозларга ҳалол ва сифатли хизмат кўрсатиш!

КИСҚА
САТРЛАРДА
УҚИҒИ

БМТ комиссияси Ўзбекистонда аёллар борасидаги давлат сиёсатини юқори баҳолади.



МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш фасли,
баҳорнинг, халқимизнинг энг катта байрамларидан
бири бўлган НАВРЎЗИ ОЛАМ билан
муборакбод этади.

— Барчамизнинг қалбларимизни шижоат ва
меҳнатсеварликка чорлаётган баҳор нашидаси йил
бўйи тарк этмасин!



«Qayum hoji servis»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

— Барча юртдошларимизни ўлкамизга ободлик, саранжом-
саришталик, меҳр ва саховат рамзи сифатида кириб келган
Наврўз айёми билан табриклаймиз.

Мамлакатимиз фаровонлиги ҳамда равнақи
йўлида астойдил меҳнат қилаётган заҳматкаш халқимиз,
жумладан, бизнес соҳаси вакиллари, кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик билан шуғулланаётган ватандошларимизнинг
тараққиёт йўлидаги хайрли ишлари бароридан келсин!

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани
Аҳмад Дониш кўчаси 19а-уй.

E-mail: polimerbizhes@mail.ru
Сайт: www.uzpolxom.uz
www.uzpolxom.com

Тел.: +998 90 992 11 88
+998 90 966 09 90
Тел/факс: +998 71 228 14 56



Ўзбекистон Boeing 737 MAX самолётлари учун аэропортларини ёпди.

Мирзо Улуғбек мадрасасининг вориси

Тарихда жаҳон тамаддуни, жумладан, маънавияти ва илм-фани та- раққиётига улкан ҳисса қўшган мамлакатлар ва халқлар сони у қадар кўп эмас. Бу борада сўз кетганда Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Саудия Арабистони, Миср, Греция, Италия, Франция, Англия, Германия, Россия давлатлари сафида Ўзбекистонимиз ва ўзбек халқининг ҳам муборак номи тилга олинган, албатта.

Чунки биздан камда Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Фарғоний, Ҳаким Термизий, Абу Райҳон Бериуний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Хусрав Дехлавий, Мирзо Улуғбек, Хожа Ахрор, Алишер Навоий, Камолитдин Беҳзод, Абдулқодир Белид, Бобораҳим Машраббек буюк сиймолар етишиб чиққан. Улар башариятнинг ҳозирги юксак тараққиётга эришуви йўлида ўз замонида елка тутиб берган улуг шахслар ҳисобланади.

Шундай экан, табиий бир савол туғилади: ҳўш, ақл-тафаккур, илм-фан, маънавият-маърифат бобида бундай олий мақомларга эришган буюклар қарерда ўқиган? Уларга ким таълим берган?

Бу саволга жавоб топиб-топмасимиздан яна бир мантқиқий масала ўртага тушади: бизда олий таълим муассасалари фаолият олиб борганим, улар қачон пайдо бўлган?

Юртимизда ҳозиргача дастлаб, 1918 йили иш бошлаган Ўзбекистон миллий университети мамлакатимиздаги илк олий таълим муассасаси сифатида қаралади. Бундай ҳолда Ўзбекистонда олий таълим тизими пайдо бўлганига энди-гина бир аср бўлибди, деган хато ва бир томонлама тасаввур ҳукмронлик қилиб қолади. Ҳолбуки, юртимизда фаолият кўрсатган олий мадрасалар амалда дастлабки олий таълим муассасалари эди.

Албатта, бунда яна бир нозик мулоҳаза ўртага тушади. Бу – қадимда иш юритган мадрасаларимизнинг диний таълим муассасаси бўлгани билан боғлиқ масала. Тўғри, ўрта асрларда ҳар қандай таълим муассасасининг мафкурарий, маънавий таълимийлигини ислом таълимоти ташкил этиши табиий эди. Шу билан бирга, мадрасаларимизда дунёвий фанлар ҳам ўқитилган ва даврлар ўтиши билан уларнинг улўши ортиб борган. Самарқандда 1420 йилдан фаолият кўрсата бошлаган Мирзо Улуғбек мадрасайи олияси бунга яққол мисол бўла олди.

Худди шундай мақомда иш бошлаган Фарбнинг ўнлаб университетлари ўз тарихини қадимга боғлайди ва гурур билан: «Биз фалон асрнинг фалон йилида ташкил топганмиз», деб бонг уради. Биз эса ҳанузгача «1918 йилдан олий таълим муассасаси бўлиб бораётганмиз», деб камтарлик қиламиз. Ваҳоланки, ташкил бўлиш даврини қадимга боғлайдиган ўша Фарб университетлари ҳам айнан биздагидек шаклланиш тарихига эга.

Европанинг бугунги кунда энг машҳур Болонья (Италия, XI асрда асос солинган), Оксфорд (Буюк Британия, XII асрнинг иккинчи ярмида асос солинган), Кембриж (Буюк Британия, 1209 йили асос солинган), Сорбонна (Франция, Парижда 1257 йили ташкил этилган, асосчиси – руҳоний Сорбон), Салерна (Италия, IX асрда Европадаги

биринчи тиббиёт таълим муассасаси сифатида очилган, XI-XIII асрларда жуда машҳур бўлган), Уппсала (Швеция, 1477 йили архиепископ Якоб Ульфсон томонидан ташкил этилган), Хайдельберг (Германия, 1386 йил 18 октябрда «Муқаддас руҳ» черковида очиلىш маросими ўтказилган) университетларининг барчаси дастлаб диний таълим муассасаси бўлган. Даврлар ўтиши билан уларда бошқа соҳалар, жумладан, табиий фанлар ўқитилиши кенгай борган. Тан олиш керак, Фарбда диний таълим муассасасининг замонавий тушунчадаги университетларга айланиш жараёни тўхтаб қолмаган, муттасил давом этган ва натижада бу қитъа олимлари кейинги асрларда табиий фанлар ривожига жуда улкан ҳисса қўшган.

Мусулмон Шарқда ҳам айнан шундай жараён кечган. Бунга юртимизда юз берган IX-XII ҳамда XIV-XV асрлардаги икки буюк тамаддун даври яққол мисолдир. Аммо бу жараён XVI асрдан эътиборан орқага кетди. Олимларимиз қайд этаётганидек, кейинги асрлардаги уринишлар эса аҳволни ўнглай олмади, объектив ва субъектив омиллар олдинги юксак даражаларга етиш имконини бермади. Маълум маънода депсиниш ва турғунлик юзага келди.

Ислом оламидаги дастлабки мадрасалар араб мамлакатларида эмас, айнан бизнинг юртимизда пайдо бўлгани ҳам масалага бир қадар ойдинлик киритади. Чунки араб оламида фаолият бошлаган дастлабки мадрасалардан бири Қоҳирада 988 йили бунёд этилган. Ҳозирги Ал-Азҳар университети ўзини ана ўша мадрасанинг бевосита вориси ҳисоблайди.

Биздан кўп-кўп исломий олимлар етишиб чиққани учун ҳам Ер юзиде «Ислом дарахти»нинг илдизлари Арабистонда бўлса ҳам, шохлари Мовароуннаҳрда мева берди», – деган ҳақли эътироф юради.

Соҳибқирон Амир Темур замонида мадрасалар гуллаб-яшнаш даврига кирди. Узоққа бормайлик, бу ҳақда «Темур тузуқлари»ни varaқлашнинг ўзи ҳам етарли маълумот беради.

Асарнинг «Дину шарият тузуки» фаслида шундай жумлаларни ўқиймиз: «Ноибларимга ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни... буюрдим. ...Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шарият ақидалари, ислом дини илмлари, тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар, деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим» (Темур тузуқлари. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2018. – Б.80).

Академик Бўрибой Аҳмедовнинг шу асарда тилга олинган Мир Сайид Шариф (1330-1414) ҳақидаги шарҳидан билиб оламизки, 1387 йили Соҳибқирон Амир Темур журжонлик бу машҳур олимни Самарқандда олиб келган ва пойтахтдаги ўзи қурдирган «Дор уш-шифо» мадрасасида дарс беришга тайинлаган. «Дор уш-шифо» – «Шифо уйи», яъни касалхона дегани. Мантхонанглияли турибдики, бу мадрасада кўпроқ тиббий илмлар ўқитилган бўлиши керак. Оралдан бир аср ўтиб, Алишер Навоий Соҳибқирон Амир Темурдан қолган шу анъанани

давом эттирди. У Ҳиротда айнан тиббий илмлардан таълим бериладиган «Шифоия» мадрасасини қурдирди. Ғиёсиддин Хондамир Навоий «Шифоия» мадрасасини қурдиргани ва у ерда тиббиёт соҳаси бўйича мутахассислар тайёрланганини ёзди: «Шифоия» (мадрасаси) ушбу мадрасанинг («Халосия» мадрасаси қўзла туғилаётти) гарбий томонида ўта тоза ва саришта бир тарзда қурилган бўлиб, ҳозирги кунда Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин ушбу мадрасада тиббий илмлардан таълим бериш билан машғул».

«Темур тузуқлари»нинг «Райятдан мол-хирожи олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва юксалтириш, унинг

ва Мирзо Улуғбек тушунади, холос. Бу ўз даврининг етук олими ва мударриси Шамсиддин Муҳаммад Хавофий эди.

Шунга асосан, Мирзо Улуғбек мадрасасида дастлабки дарсни 1420 йил 21 сентябрда Шамсиддин Муҳаммад Хавофий ўқиган. Биринчи дарсада 90 нафар толиби илм қатнашган. Маърузада Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий ҳам ҳозир бўлишган.

Бизнингча, худди шу кунни, яъни 1420 йилнинг 21 сентябрини мадрасада ўқув йилининг бошланиш санаси, деб ҳисоблаш ўринли.

Мирзо Улуғбек мадрасайи олияси 500 йил давомида турли тарзда фаолият кўрсатиб, 1920 йилда унинг фаолияти маж- буран тўхтатилган. Аммо кейинчалик олий педагогика институти, педагогика, сўнгра Ўзбек давлат университети, ҳозирда эса Самарқанд давлат университети сифатида янги давр, янги талаблар, янги-чи йўналишда ўз фаолиятини давом эттирмоқда, десак, асло янглишмаймиз. Ана шу жиҳатдан Самарқанд давлат университетининг

Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясининг асл вориси эканини эътиборга олиб, унинг таъсис этилиш санаси тарихини ҳам бу улугвор даргоҳ бошланган тарих, яъни 1420 йил билан белгилаш масаласини ўйлаб

қўриш тарихий ҳақиқатнинг қарор топишига қўмақлашган бўларди, деб ўйлаймиз.

Шуни инобатга олсак, 1420 йилдан бу ёнига мадрасайи олия фаолиятида муайян ижтимоий-сиёсий вазият ўзгаргани таъсирида бор-йўғи 7 йилгина, яъни 1920-1927 йиллардагина мажбурий танаффус бўлгани аёнлашади.

Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида келтирилишича, Бухорода милодий 937 йили содир бўлган қатта ёнғинда Мадрасайи Форжак анча зарар кўрган. Шунга суяниб, олимларимиз, Мовароуннаҳрда мадрасалар VIII аср охирида пайдо бўла бошлаган, хусусан, сомониёлар давлати гуллаб-яшнаган IX аср охири X асрда қўллаб бундай таълим мадрасалари бунёд этилган, деган хулосани илгари суради. Ахир, Самарқанд тарихига оид манбаларнинг далолат қилишича, IX-X асрларда биргина шу шаҳарнинг ўзида 17 та мадраса бўлган.

Буюк адиб ва аллома Абдурауф Фитрат (1886-1938) «Ҳинд сайёҳи баёноти» асарида ҳиндистонлик сайёҳнинг бухоролик дўсти тилидан Бухорода 200 га яқин мадраса борлигини, улар уч тоифага бўлинишини айтади. Кейин олий тоифадаги 33, ўрта тоифадаги 39 мадрасанинг рўйхатини келтиради, қуйи тоифадаги мадрасалар 100 дан ортқ экани ҳақида ҳам маълумот беради.

Таклифимиз аниқ-тиниқ: Самарқанд давлат университети бевосита Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг вориси, демек, унга 1420 йили Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган, деб таъкидласак, замонамиз аҳли, биринчи навбатда, ёш авлодимиз кўнглига гурур бағишлаган, уларни билим ва маърифатни ўрганишга руҳлантирган, тарихий адолатни тиклаган бўлар эдик.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат
университети ректори



ободончилиги, хавфсизлигини амалга ошириш тузуки» деган фаслида Соҳибқирон шундай ёзди: «Яна амр эдимки, қатта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар...»

Мадрасаларимизнинг айримлари айнан олий таълим муассасаси бўлгани учун улар «мадрасайи олия» деб юритилган. Модомики, шундай экан, Ўзбекистонимиздаги кўп университет ва институтлар, ана ўша таълим масканларининг бевосита ворислари, деб эътироф этилиши адолатли бўлар эди.

Университетимиз олимлари бу гоёни 2001 йилдан буён тинимсиз айтиб ва ёзиб келаяпти. Бу фикрни амалиётга айлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинган. Лекин ҳали-ҳануз муайян ечимга келинганича йўқ.

Алишер Навоийнинг кичик замондоши, тарихчи олим, шоир Зайниддин ибн Абдуҳалил Восифий (1486-1566) ўзининг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Гўзал воқеалар») асарида Улуғбекнинг Самарқандда бино қилдирган мадрасайи олиясига мударрис тайинлаш билан боғлиқ бир лавҳани таъсирлаган. Унда ёзилишича, ҳижрий 813, милодий 1420 йил куз фаслининг фараҳбахш куни мадраса қурилиши ниҳоясига етган. Ҳамма ёқ саранжом-саришта. Олимлар, толиби илмлар, қозило қузнот, сарой аҳли янги мадраса ҳовлисига жам бўлган. Барчани бу фирдавсмонанд мадрасанинг биринчи мударриси ким бўлиши масаласи қизиқтирар эди. Мирзо Улуғбек тўпланганларга мурожаат қилиб «Ҳамма илмларда етуқликка эришган киши мадрасанинг биринчи мударриси бўлсин», – дейди. Шунда оламлар орасидан бир киши чиқиб «Мен имтиҳон топшираман», – дея даъво қилади. Мирзо Улуғбек раҳбарлигида 90 олим ва талаба ҳузурида имтиҳон дарси ўтилади. Батлимуснинг (Клавдий Птоломей) «Ал-мажистий» асари бўйича ниҳоятда юксак илмий савияда ўтилган бу имтиҳон дарси асл моҳиятини фақат Қозизода Румий

Самарқандда 200 дан ортқ Wi-Fi ҳудуд ташкил этилади.



— «Йигит пирим»га бир қўчқор атадим, — дейди бир танишимиз.

— «Шоҳи Зинда»га атаб, бир ҳўкиз сўйдим, — дейди бир ҳамшаҳаримиз...

Эсизгина қўчқор, эсизгина ҳўкиз! Муқаддас китобларда айтилишча, қўйми, ҳўкизми, ҳўрозми, қўрбонлик атаб эҳсон қилинган ҳар қандай жонлиқ «фалон жойга атадим», деб ният қилинган, бу Яратганга ширк келтириш бўлади. Чунки Аллоҳнинг номидан бошқа номга атаб жонлиқ сўйиш ширк ва у гуноҳ саналади. Бу зиёрат нияти нотўғри талқин этилишига олиб келади.

— Халқ тилида қўрбонлик эҳсон ўша табаррук инсоннинг номига аталиши бор гап, — дейди Миробод туман бош имоми, «Ал-Бадр» жоме масжиди имом-хатиби Одилбек Холмуродов. — Лекин эътибор берсангиз, Қуръон тиловатидан сўнг «қўрбонлигимиздан ҳосил бўлган савобни фалон авлиёнинг руҳи покларига бағишлайди», дея дуо қилинади ва тилаклар айтилади. Бу ерда битта тушунмовчилик жойи кимнингдир номига аталиши. «... Ҳосил бўлган савобни «Фалон»га атадим», деса, янада тўғрироқ бўлади. Муҳими, эҳсон қилиётган одамнинг дилидаги нияти тўғри, тилида бироз нотўғри талқин қилади, холос. Ахир, ҳеч ким табаррук масканларга Яратганга ширк келтириш учун бормайдику, бизнинг халқимиз инчунин...

Дарҳақиқат, ҳар бир зиёрат, аввало, ниятдан бошланади. Тан олиш керакки, қўчқорлигимиз зиёрат қилишнинг тартиб-таомили, ниятини билмаймиз.

«Фалон авлиёнинг ёки динга хизмат қилиб қўйган фалон олимнинг зиёратини Аллоҳнинг розилиги учун, иймоним янада мукаммал бўлиши учун зиёрат қиламан», деб ният қилинг ва, албатта, у зотнинг бошига боришдан аввал кимлигини, тарихини, дин ё эл учун қилган хизматларини, қолдирган меросини ўқиб, билиб олинг. Темирчининг дўконидан бир буюм, атторнинг дўконидан атир олиб қайтганингиздек, зиёратига борган кишингиздан ҳам бир нима олиб қайтинг. Масалан, Имом Бухорий бобомизнинг зиёратига келсангиз, ҳеч бўлмаса, иккитагина ҳадисни ўрганиб, унга амал қиладиган бўлиб кетинг. Ахир, Имом Бухорий бобомиз бутун умрларини ҳадис йиғишга бахш этганлар.

Зиёрат одоби

Зиёратни ният қилган бўлсангиз, ҳеч бўлмаса, улуғлар бошига борганда таҳоратли бўлинг! Инсоннинг жисми ўлади, руҳи асло ўлмайди. Азияларнинг бошига борганда худди у зот тириклигида хузурга киргандек, одоб билан, тавозе билан кириш. Салом бериб кириш ва қибла томонида ўтириб, у зотга Аллоҳнинг раҳматини тилаб, дуо қилинг. Зиёратдан сўнг бошқаларга озор бермай, жимгина ортингизга қайтинг.

Азиялар, Амир Темурдек зотнинг қабулига ойлаб навбат кутган, унинг пой-игача эмакланган борган одамларнинг бутунги авлодлари Соҳибқироннинг бошига аёллар лозимсиз, бошида рўмолсиз, энги, елкаси, кўкси очик ҳолда, эркаклар «шортик», майкала кириб, баланд овозда қийқириб, «сельфи» қилишмоқда. Тиригида шу ҳолда кирса, боши кетиши аниқ



эмасмиди? Ёки шу ҳолатда Имом Бухорий, Имом Термизийдек муҳаддисларнинг, Нақшбандий ҳазратдек тариқат пирларининг бошига бориш беҳаёлик эмасми?

Имом Бухорий мажмуасига Европача кийинган, лозимсиз келинлар ва уларнинг қўвчларини киргизишмайди. Бошқаларга ҳам шу қоидадан жорий қилинса, яхши бўларди. Шунингдек, қўпгина зиёратгоҳларга кираверишда зиёрат тартиби битиб қўйилган: таҳорат олиш, мос кийиниш, бош яланг кирмаслик каби қатор эслатмалар бор. Шуни барча табаррук масканларга жорий этиш керак. Қўзга ташланадиган жойларга ўрнатиш керак. Чунки йўл устида зиёрат қилиб кетадиганлар бор, тушунчалардан бебабарлар бор. Шундан кейин улар ҳам ўрганиб кетишади. Бу билан юқорида айтган одамларимизнинг зиёрати қабул бўлмайди демуқчи эмасмиз. Фақатгина тарбиянинг, одобнинг, миллий урф-одат ва қадриятларнинг қадрсизланаётганига ачинамиз!

Қўпгина мамлакатларда зиёратгоҳларга кираверишда мусулмон одамга хос бўлган кийимлар қўйиб қўйилмаси ва у ерга бош яланг, сатри аврат қилмаганларни қўйишмайди. Масалан, Туркиядаги жоме масжидларига киришда аёллар лозим, узун қўйлак кийиб, рўмол ўрагачини киритишади. Эронда зиёратга борган аёллар чоршаб деб аталадиган, кийган аёлнинг юзидан бошқа ери кўринмайдиган либосда бўлишлари мажбурий қилиб қўйилган.

Яқинда Темирийлар музейига бордик. Айрим ходимларимиз музейда эсдалик учун суратга тушмоқчи бўлишди. Музей ходимаси келиб, уларни қатъий огоҳландирди: «Музейда суратга тушиш ман қилинади, акс ҳолда қўриқчиларни қаҳраман». Тўғриси, мен ходиманинг бу гапидан хурсанд бўдим. Рост-да, шундай улуг музейда суратга тушиш одобдан эмас! Аммо сал ўтиб, ҳафсадам пир бўлди. Музейга келин-куёв ва уларнинг сершовқин дўстлари кириб келишди. Бешта фотокамеранинг «шарақ-шуруқ» овози бутун музей бўйлаб таралар, видеотасвирчилар ярим ялангоҳ келинни айланиб, ўргилиб тасвирга олишар, айрим фотоафлар музей экспонатларининг устига чиқиб, ўша ердан келин-куёвни суратга олишарди.

— Опа, бу ёни қандай бўлди? — секин сўрадим ҳалиги ходимдан.

— Бу энди «Лав сторис», — деб изоҳ берди ходима. — Пулини тўлашган, ҳақлари бор...

Сохта зиёратгоҳлар ҳам бор

Юртимизда Имом Бухорийдек, Имом Термизийдек, Имом Мотурудийдек, Имом Доромийдек зотларнинг, Самарқандда Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакиваччалари, саҳоба Қусам ибн Аббоснинг мақбаралари бор. Уларнинг, тариқат пирлари Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Ясавий, Хўжа Аҳрори Валиларнинг қабрларини зиёрат қилиш жоиз. Элимиз ва динимизга беқия-

Эҳсон. Зиёрат. Тиланчи

ёс хизмат қилган Шайх Муҳаммад Солиқ Муҳаммад Юсуфдек алломаларнинг қабрини зиёрат қилиш ҳам савоб. Аммо юртимизда шундай зиёратгоҳлар борки, уларнинг на тарихи бор, на улар ҳақида ишонарли бир маълумот.

Биргина Ҳазрати Али номи билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг йигирмадан ортинини биламан. Самарқанднинг ўзида бир нечта. Шоҳимардонда аввал қабри бор, дея одамлар зиёратга боришарди, бир борганимда гувоҳи бўлдим-ки, унинг ёнига Ҳазрати Алининг ўғлини ҳам «қўшиб олишибди» азаматлар. Ана, яна битта янги мақбара. Ўзбекистоннинг ўзида Ҳазрати Алининг ўн иккита қабри бор экан. Афандикидан ҳам қўп-а? Ваҳоланки, Ҳазрати Алининг қабри қар-ердалигини дунёнинг энг зўр олимлари ҳам билишмайди. Катта эҳтимол билан Афғонистонда деб тахмин қилишади ва у қабр жойлашган шаҳарни ҳам ҳурмат билан Мозори Шариф деб аташади.

Самарқанддаги асли номаълум бўлган, аммо одамлар узлуксиз зиёрат қиладиган Ҳазрати Довуд, Хўжа Дониёл (Дениэл) дея унга бошқа дин вакиллари ҳам бутун дунёдан келади, ярим зиёратчи «Биби мушкул кушо онамиз», ярми «Рўшноий отамиз» дея сифнайдиган чашма, Гавсул Аъзам (Ургутда, қалишлари тушган жой), Ширвоқ ота, Оқбобо, Қўтош ота, Қўтирбулоқ ота каби ўнлаб зиёратгоҳларни биламан. Юртимизда Кечирмас ота, Йигит пирим, Биби Сешанба, Биби Чоршанба, Биби Одина каби юзлаб шунақа зиёратгоҳлар бор.

Зиёратда тижорат

Зиёратни қилиб бўлгандан сўнг тижорат қилиш динимиз рўхсат беради. Ҳатто, Ҳаж зиёратини адо қилиб бўлган ҳо-жилар бемалол олди-сотдиларини амалга ошириши мумкин. Буни билмаганлар ҳожиларнинг у-бу нарсаси олиб келгани ва сотганини гийбат қилиб юришади.

Аммо юртимиздаги зиёратгоҳларни кузатсангиз, деярли барчасининг атофтини мунчоқфуруш, туморфуруш, исирқиқфурушлар эғаллаб олган.

Эътибор берган бўлсангиз, зиёратгоҳ атофтидаги тижоратчилар ҳеч қачон қиммат ва сифатли нарсаларни сотишмайди. Улар доим нархи 1000-2000 сўмдан ошмайдиган кўзмунчоқлар, шиша ва пластмасса тақинчоқлар, сурмалар, ҳар хил тутатқилар, ўйинчоқлар сотишади. Улар яхши билишади, зиёратгоҳларга авом кўпроқ боради ва улар қиммат нарсаларни олишмайди. Илмли кишилар эса, бу тижоратчилар томонга қайрилиб ҳам қарашмайди.

Бухородаги зиёратгоҳлар атофтидаги тижоратчиларда анчагина «ўсиш» бўлагина гувоҳ бўлдики, улар шунчаки туморлар эмас, ҳар бир муаммога алоҳида дуолар сотишни йўлга қўйишбди: қарздан қутулиш дуоси, мушкулни очадиган дуо, тез бой қиладиган дуо, йўл фалокатларидан сақлайдиган дуо, қўздан, сўқдан сақлайдиган дуолар. Энг қизиги, қарз сўраб келувчилардан сақлайдиган дуонинг талабгори қўп экан!

Хира пашшалар

Ошга ёпишадиган хира пашша қанчалик гапингизга тегса, зиёратгоҳлар атофтида ўралашадиган тиланчилар ҳам худди шунчалик одамнинг гашига тегди. Каттами, кичикми, қарда қанақа зиёратгоҳ бўлса, ўша ерда, албатта, тиланчилар бўлади.

Тиланчилар авваллари сал-пал инсофли бўларди. Деворларнинг тагида «оло-

блигина» бўлиб, қўл чўзиб туришарди. Эндиги тиланчилар анчагина беандиша бўлишган. Машинадан тушишнинг билан елкангни силлашни бошлади. Бермаганинга қўймайди. Аввал тиланади, ялланади, сўнг «бермасанг, ундай бўласан, бундай бўласан», деб қўрқитишади. То зиёратга кирганингча эргашади. Чиққанингдан кейин бошқаси машинангача сийпаланиб келади.

Сўнгсўз

Юртимиз жаннатмакон. Унинг сўлим гўшалари қўп. Азиз ва авлиёлар макони. Юртимизга ташир буюрган Огаҳон Эшон «Биргина Самарқанд ва Бухоро заминда 250 минг авлиё ётибди», деган эди.

Юртимизни сайр айланг, азияларимизни зиёрат қилинг. Аммо кимнинг зиёратига бораётганингизни билиб бориш! Зиёрат одобига риоя қилиб бориш! Зиёрат қилиб, савоб олинг! Иймонингиз зиёда бўлсин!

Бердиёр КАРИМОВ

Баҳор илҳомлари



МАРҲАБО

Бойчечак лабида шабнамлар кулсин
Ва қалби шодлигу қувончга тўлсин.
Олисдаги ошён берганда садо,
Онадек меҳрибон Юртга марҳабо!

Очиб беражакмиз тарих китобин,
Тотинг Навойининг ғазал гулобин.
Ул сўзки булбулни айлағай адо,
Богдаги андалиб Юртга марҳабо!

Шоҳимардон кезинг, Марғилон кезинг,
Яшил водий кезинг, Андижон кезинг.
Самарқандга бориш, йўқданг Бухоро,
Гўшаси гулистон Юртга марҳабо!

Тўй қилса, борини сочар ўртага,
Емасанг, дўқ-пўписа урар жўртага.
Асли қўнғил унинг дўстликка шайдо,
Ошнажон, Кўражон Юртга марҳабо!

Имконлар чексиздир, ихтиёр ўзда,
Келинг, танишайлик, меҳр бор кўзда.
Истиқлол, то абад қўнғилимизга жо,
Талашгани иймон Юртга марҳабо!

Оқибатли юртлар ер юзидан кам,
Элидан айрилмас, бетоб бўлса ҳам.
Кексалар илгидан тушмайди дуо,
Мушкуллари осон Юртга марҳабо!

Оналар ҳурматда, оталар эъзоз,
Бундай феълу атовор ўзбекларга хос.
Жамбил, райҳон бўйин таратар сабо,
Сўрилари салқин Юртга марҳабо!

Ўзи мискин бўлса, сўзи кесади,
Шашмоқоми юрак-бағринг эзади.
Мана, дастурхонин Наврўз беади,
Байрами бир жаҳон Юртга марҳабо!

Ҳазрат АЛИ,
(Мирзааҳмад Маматкулов)
Фароғна тумани
Саткак қишлоғи



«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» акциядорлик жамияти жамоаси:



— Миллий ва қадимий
байрамимиз, яшариш ва
янги ланиш айёми бўлмиш

Наврўзи олам яна бир бор жаннатмонанд
диёримизга орасталик, юртдошларимиз
қалбига баҳорий сурур ҳамда
шоду хуррамлик олиб келди.

Барча маҳаллаларимиз, ҳатто,
кўчаларимизда ҳам байрамона қиёфа,
хуш кайфият ҳукмрон.

Қадим-қадимдан ота-боболаримиздан қолган,
момоларимиз ардоқлаб келган
НАВРЎЗ ҳар бир хонадонга
завқу шавқ бағишласин!



Ризқ-рўзингиз зиёда, толеингиз баланд бўлсин, азиз юртдошлар!

Б-ХАВО

15 март	☀️ +23°C	🌙 +10°C
16 март	☀️ +24°C	🌙 +12°C
17 март	☀️ +23°C	🌙 +12°C
18 март	☁️ +25°C	☁️ +13°C
19 март	☁️ +17°C	☁️ +8°C
20 март	☁️ +14°C	☁️ +9°C
21 март	☁️ +16°C	☁️ +8°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Фуқаролик жамияти шакллани-
шини мониторинг қилиш мустақил
институтини.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бош-
каруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат
ташқилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Мустақил босма
оммавий ахборот воситалари ва
ахборот агентликларини қўллаб-
қувватлаш ва ривожлантириш жамоат
фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-де-
мократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Республикаси Эколо-
гия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское
общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир

Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:

Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонوف
Акмал Саидов
Саид-Абдулазиз Юсупов
Шавкат Жавлонов
Руфат Нейматов
Феруза Мирзакомилова

Газета таҳририятининг компью-
тер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ак-
циядорлик компанияси босмахо-
насида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-314 Адади:
2504.

Жума кuni чиқади.

Қўғоз бичими А-3, ҳажми 2
босма табоқ, Баҳоси келишилган
нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлигида 2006 йил
0010-рақам билан рўйхатга олин-
ган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Баҳринисо Мадумарова

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуот-
чилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77, 236-10-87,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@mail.uz

Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ» дан олинган маълу-
мотларда манба сифатида газета
номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА якуни:

Топширилган вақти: 16.45

1 2 3 4 6